

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 835-ҳадис

835 - وَعَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَفْنَأُ الْكَعْبَةَ مُحْتَيْأً بِيَدِيهِ هَكَذَا، وَوَصَّفَ بِيَدِيهِ الْإِحْتِيَاءَ، وَهُوَ الْفُرْقَصَاءُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [6272].

835. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Каъбанинг саҳнида мана бундай қилиб икки қўллари билан эҳтибо қилиб ўтирганларини кўрдим».

Икки қўл билан эҳтибо қилиш «қурфусо» деб васф қилдилар.

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: «Эҳтибо» аслида орқани ерга қўйиб, икки тиззани кўтариб, бели билан болдирини қўшиб кийимиға ўраб ўтиришдир. Мато ўрнида инсоннинг ўз қўли бўлиши ҳам мумкин, яъни орқани ерга қўйиб, икки тиззани қучоқлаб ўтириш ҳам «эҳтибо» дейилади. Ушбу иккинчи кўриниш, яъни қўл билан эҳтибо қилиш «қурфусо» деб ҳам аталади.

Манба: hadis.islom.uz



